

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

particular, the huge plots of land were converted into *waqf* by Amir Timur for the benefit of the representatives of the Sufi order and their descendants. These documents also reflect some aspects such as the terms of utilization of the *waqf* property and the activities of the attendants of *waqf* administration. It should be noted that these historical documents were re-confirmed during the rulers of the Mangit dynasty of the Emirate of Bukhara, and the study analyzes the factors that prompted them to this process through the theory of legitimation. In addition, the author attempts to consider the image of Amir Timur, which had been developed in the perception of the rulers of this dynasty.

Key words: *Amir Timur, waqfnāma, Mangit dynasty, the emirate of Bukhara, waqf property, epithet, imitation, legitimation.*

А. Идиев

“Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар

Моваройннаҳрнинг Аштархонлилар давридаги тарихи тадқиқотларда ёритилган бўлса-да, бироқ этник тарихга оид масалалар жуда кам ўрганилган ва бугунги кун тартибидаги муҳим муаммолар қаторида туради. Мазкур мавзуга оид илмий тадқиқотлар олиб бориш аввало, бирламчи манбаларга мурожаат қилишни тақозо этади ва бу ҳолат чоп этилган айрим илмий тадқиқотларда ҳам акс этган [3]. Мавзу бўйича этник маълумотлар учрайдиган XVII асрга оид ёзма манбаларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

а) тарихий-географик асарлар: Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” (“Яхшилар таржимаи ҳоли ҳақида сирлар денгизи”), Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламорои Аббосий” (“Дунёни обод этувчи Аббос ҳикояси”), Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” в.б.;

б) адабий асарлар: Мутрибий Самарқандийнинг “Хотироти Мутрибий”, Муҳаммад Бади ибн Муҳаммад Шариф Самарқан-

дийнинг “Музаккир ал-асҳоб”, Мирза Сомийнинг “Тазкират ал-мулук” ва в.б.;

в) расмий ҳужжатлар: “XVII–XVIII асрлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўрта Осиё палеографиясини ўрганиш материаллари” ва “Аграр алоқалар тарихига оид ҳужжатлар”;

г) элчилик ҳужжатлари: И.Д. Хохлов элчилик саёҳати эсдаликлари [17].

Юқорида келтирилган манбалар ичида XVII аср биринчи ярмида ёзилган Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор” асари муҳим бирламчи манбалардан ҳисобланади. Муаллифнинг ҳаёти, ижодий мероси кўпчилик шарқшунос ва манбашунос олимлар томонидан ўрганилган: Б.Аҳмедов [4, 5, 10], В.Бартольд [6, 7], А.Алексеев [1, 20], К.Пищулина [12], Ж.Тулибаева [25], М. Билол Челик [21], Ансор Зоҳидхон [22], Ризоул Ислом [23], И.Низомиддинов[11], А.Маликов [24].

Мақолани ёзишда “Баҳр ал-асрор”нинг Б. Аҳмедов томонидан амалга оширилган таржимаси асосий манба сифатида танланди [10].

“Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” асари ўзига хос қомусий асардир, унда астрономия (аниқроғи, астрология), минералогия, ўсимликшунослик, ветеринария, тарихий география, сиёсий тарих ва ислом тарихига оид маълумотлар келтирилган [10: 6].

Маҳмуд ибн Вали XVII асрнинг биринчи ярмида Балхда яшаб, самарали ижод қилган.[1] Унинг “Муҳаббатнома”, “Рисолайи Биҳария” (Биҳар вилояти ҳақида рисола), “Равоиҳи таййиба” (Хушбўй ислар), “Нажми соқиб” (Ёруғ юлдуз), “Ахлоқи Ҳусайний” (Ҳусайн ахлоқи) [3: 5] каби асарлари, ғазал ва қасидалари ҳам бор. У 1625 йили Ҳиндистонга сафар қилади ва 1631 йилгача ўша ерда яшайди. Сўнгра Балхга қайтиб, Надр Муҳаммадхон (1606–1642) ва (1645–1651) саройида кутубхоначи вазифасида ишлайди [19: 216].

Муаллиф асар муқаддимасида унинг етти жилд бўлишини таъкидлайди. Ҳар жилд тўрт қисмга бўлинган. Асар кириш қисм билан бошланади ва хулоса билан якунланади [10: 6]. Етти жилд қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

1. Дунёнинг яратилиши, халқлар, тоғлар, дарёлар, денгизлар, наботот ва ҳайвонот олами.

[1] Отаси Наманганнинг Косон қишлоғидан эди.

2. Исломгача ўтган пайғамбарлар ва ҳакамлар.

3. Муҳаммад алайҳиссалом тарихи.

4. Халифалар ва имомлар тарихи.

5. Аббосийлар билан асрдош бўлган Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Бувайҳийлар, Ғурийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар сулолаларидан бўлган Турон ва Эрон ҳукмдорлари тарихи.

6. Чингизхон ва Аштархонийлардан Надр Муҳаммадхон давригача Хитой, Эрон ва Туронда бўлиб ўтган воқеалар.

7. Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ҳамда Ҳиндистонда ўтган Амир Темур на унинг авлодлари (биринчи рукн Амир Темур, иккинчи рукн Шоҳрух, учинчи рукн Мирзо Улуғбек ва бошқалар, тўртинчи рукн Мироншоҳдан Шоҳжаҳонгача бўлган Темурийлар) тарихи [15: 90–91].

Асарнинг биринчи жилдида етти иқлим мамлакатлари, Мовароуннаҳрнинг ўрта асрлардаги шаҳар ва вилоятларининг географик ҳолати, халқи ва унинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. “Баҳр ал-асрор”нинг биринчи жилди ягона нусхада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар асосий фондида № 2372 рақами билан сақланади. Ҳажми 533 варақ, ўлчами 27х31,5 см, настаълиқ хатида, Қўқон қоғозида [10: 9].

Афсуски, бу нусханинг қусури бор; фотиҳа қисмининг сўнгги, биринчи ва иккинчи рукнлар (асар мундарижасига кўра дунё, осмон, осмон ёритқичларининг яратилиши қисми), тўртинчи рукндан (ҳайвонот олами тавсифи бўлимидан) бир неча вароқ етишмайди. Шунга қарамай, асар биринчи жилдининг сақланиб қолган қисми (3–4 рукнлар) илмий аҳамиятга эгадир. Унда рубъи маскундаги [1] денгизлар, дарёлар, булоқлар, мамлакатлар ва шаҳарлар, уларнинг аҳолиси ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган [14: 90–92].

[1] *Рубъи маскун* (араб. — аҳоли яшайдиган чорак ер) — юнон ва ўрта аср Шарқ фанида мавжуд тарихий-географик тушунча. Қадимги юнон олимлари ернинг улар тасаввуридаги аҳоли яшайдиган обод қисмини «эйкумена» ёки «ойкумена» (юнонча «ойкео» — обод қилмоқ) деб атаганлар. Ўрта асрларда Араб халифалигида мазкур географик тушунча юнон илмий адабиётининг арабча таржималари орқали «маъмура» – обод (ерлар) ва *рубъи маскун* шаклларида Шарқ географиясига ҳам ўтди.

Муаллиф “Баҳр ал-асрор”ни ёзишда Табарий (838–923), Ибн ал-Фақих (IX аср охири – X аср бошлари), Истахрий (849–934), Ибн Ҳавқал (X аср) Ибн Хурдодбеҳ (тахм. 860–913), Абу Дулаф (X аср), Масъудий (ваф. 956) Муқаддасий (947–1000), Самъоний (1113–1167), Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвиний (1203–1283), Рашидиддин (1247–1318), Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазвиний (1281–1349), Қазвиний Ҳилолий (XIV аср) ва Ҳофизи Абру (ваф. 1430) асарларидан истифода этган. А.Семёнов тадқиқотида Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асаридан ҳам фойдаланганини айтиб, баъзи тарихий воқеалар XVI аср манбаларида учрамаслигини таъкидлайди [13: 113, 129].

Маҳмуд ибн Вали мазкур муаллифларнинг шаҳарлар ва мамлакатлар таърифида, конлар, маъданли булоқлар, дарёлар, янги қазилган ариқлар, дарёларнинг деҳқончиликдаги аҳамиятига оид маълумотларини ўз тўплаган янги ахборотлар билан тўлдиради.

“Баҳр ал-асрор” Мовароуннаҳр, Хуросон, Дашти Қипчоқ, Кошғар, Ҳиндистон ҳудудларининг этник тарихини ўрганишда муҳим манбалардандир. Унда 50 дан ортиқ турли қабилалар номи зикр этилган [10: 27], баъзиларининг яшаш ўрни аниқ кўрсатилган. Маҳмуд ибн Валининг қавмларга оид маълумотларининг тарихий аҳамиятини тасаввур қилиш учун уни бошқа манбалар билан қуйидаги тартибда қиёслаб кўрдик.

Муаллифи номаълум “Таворихи гузидаи нусратнома” (XVI) [15: 276, 285, 287, 288, 325;], Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”[1] [8: 16, 2*а*, 3*а*, 4*а*, 56, 13*аб*] ва Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний” [16: 218*б*, 220*а*, 220*б*, 224*б*, 229*б*, 230*б*, 233*а*] асарларида *қушчи, бурқут, найман, қарлаут, гирапли, қиёт, қўнғирот, тангут, ички, допе, ябағу, ҳитой (қадимги киданлар авлодлари), чимбой, шунқорли, шодбоқли, ийджон, қовчин, манғит, жулжут, минг, бачқирд (бошқирд), можар, салур, ички байри*[2] каби қабила ва

[11] Саййид Неъматуллоҳ – 1330-1431 йиллар (айрим манбаларда 1360-1431 йиллар) оралиғида яшаган сўфийлик тариқатининг машҳур вакилларидан бўлиб, Амир Темурнинг пирларидан бири Саййид Бараканинг иниси ҳисобланган [8: 16, 2*а*, 3*а*, 4*а*, 56, 13*аб*].

[2] Мақолада келтирилган уруғ-қабила номлари А.Асқаровнинг “Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи” (қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр) китобида келтирилган “Ўзбек уруғларининг манбаларда ифодаланиши” жадвалига асосланган ҳолда берилди [2: 473–476].

уруғлар тўғрисида маълумотлар бор. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абудулланома” [18: 180а] асарида *баҳрин, беш юз, дўрман, жалоир, кенагас, манғит, минг, можар, найман, олчин, арлот, сулдуз, халаж, хитой, ширин, ўтарчи, қанғли, қатағон, қипчоқ, кўнғирот, қиёт, арғун (арғин)* ва бошқа қавмларнинг номлари эслатилади.

Сиёсий низолар, Қозоқ ва Хива хонлиги ўртасида олиб борилган урушлар туфайли аҳолининг яшаш манзили доимий равишда ўзгариб турганлиги боис, манбаларда номлари зикр этилган қавмлар ҳақида қисқа маълумотлар акс этган.

Манбаларда этник гуруҳлар ва уларнинг яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотлар Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги этносларнинг тарихий-географик ва хўжалик фаолияти контекстида ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳолатни қуйидаги жадвалда акс эттиришга уриндик.

Этник гуруҳ номлари	**Уларнинг ҳудудий тарқалиши**
Аймоқ	Чечекту, Дараи-Суф[1], Керки, Маймана,
Араблар	Хулм
Тўққиз ўғиз	Тўққиз ўғиз [2]
Ҳазоралар	Кахмерд
Қирғиз	Олмалиқ, Андижон, Селенга [3], Ўш, Ясси, Туркистон, Хутталон, Қирғиз дарёси
Қалмоқ (қалмиқ)	Олмалиқ, Дашти Қипчоқ, Селенга, Туркистон
Қозоқ	Олмалиқ, Талас, Туркистон, Ўш
Ўзбек-қозоқ	Андижон
Турк	Туркистон, Чигил, Коҳмард
Мўғул	Туркистон
Ўзбек	Туркистон, Андижон (асосан қишлоқларда), Кошғар

[1] Дараи-Суф – Кобул атрофидаги вилоят (Бомиён сўнгра Балх вилояти таркибида бўлган).
[2] Тўққиз ўғиз – Туркистон таркибидаги шаҳар аҳолиси ҳам шу номда.
[3] Селенга – Турон ҳудудидаги вилоят, маркази Қорақум шаҳри бўлган (Чингизхон бошқаруви давридан бошлаб).

Хирхиз	Хирхиз[1]
Қўчманчи ўзбеклар	Чағаниён
Халаж	Халаж
Занг	Занг тоғлари

“Баҳр ал-асрор” асарида қавмларга оид юқорида келтирилган маълумотлар қуйидаги тарзда тўлдирилган: *дўрман, арғун, баҳрин, қирқ, уйсун (ушун),қатағон, қалмиқ, қўшчи, қозоқ, жалоир, арлот, буйрак, кераит, сарой, олчин, найман, қўнғирот, қанғли, манғит, уйрот, ўтарчи, қипчоқ, тубай, кенагас, юз, келечи, уз (ўз), хитой, мўғул, қирғиз, араб, можар, минг, қиёт, ширин, месит, турк, татар, туркман* ва бошқалар (жами 40 та).

Асарда *қизилбошлар, туркман, татар, араб, яҳудий, қозоқ, қалмоқ, афғон, ҳазора* каби этнонимлар ҳақида ҳам маъумотлар учрайди [10: 163]. Уларнинг хўжалик фаолиятига оид ахборотлар минтақа ва шаҳарлар тавсифи доирасида берилганлиги асарнинг ўзига хос аҳамиятли жиҳатидир. Баъзи этнонимлар Ҳайдар Мирзо *арлот*[2] каби шахс номлари билан бирга келтирилади [9: 3*а*–6*б*].

Маҳмуд ибн Вали географик ҳудудларни тавсифлаш жараёнида уларнинг ҳаёт тарзи, хўжалик машғулоти ҳақида маълумот беради. Дашти Қипчоқ тавсифида у ерда шаҳар ва қишлоқлар сони камлиги, аҳолисининг асосий қисми кўчманчилардан иборатлиги ва муаллиф яшаган даврда у ерда қалмоқлар ҳукмронлик қилаётгани айтиб ўтилади [10: 26].

Мазкур тадқиқотдан “Баҳр ал-асрор”да келтирилган Марказий Осиё ҳудудига оид этник маълумотларнинг аксари илгари ёзилган асарлардан олингани ва муаллиф уларни ўз даврига оид янги бой маълумотлар билан тўлдиргани аниқ бўлди. Бу албатта, асарнинг тарихий ва илмий аҳамиятини оширади. Бугунги Ўзбекистон (қадимги Турон) тарихини илмий асосларда ўрганишда уни муҳим бирламчи манбалар қаторига қўшади.

[1] Хирхиз – Энасой дарёсининг юқорида жойлашган шаҳар. Қирғиз этноними билан боғлиқ ҳолда юзага келган ойконим.

[2] Ҳайдар Мирзо арлот – Динмуҳаммадхоннинг (1564/65–1599) қайнотаси, Офоқхонимнинг отаси эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: по материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. Санкт–Петербург, 2006.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2019.
3. Ахмедов Б.А. Значение письменных памятников в изучении этнической истории узбеков // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент, 1988. С. 14–30.
4. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв.: (Письменные памятники). Ташкент, 1985.
5. Ахмедов Б.А. Маҳмуд ибн Вали и его энциклопедический труд // Общественные науки в Узбекистане, 1969, № 11. С. 62–65.
6. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Сочинения: В 9 т. Т.VIII. Москва, 1973. С. 170–196.
7. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII в. // Сочинения: В 9 т. Т.II, Ч.2. Москва, 1964. С. 388–399.
8. Биноий. Шайбонийнома. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 3422.
9. Махмуд б. Вали. Бахр ал-асрар Ксерокоп рук. б-ки India Office № 575.
10. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (География) / Введение, перевод, примечания Б.А.Ахмедова. Ташкент, 1977.
11. Низомиддинов И. XVI–XVII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент, 1966.
12. Пищулина К. А. «Бахр ал-асрар» Махмуда ибн Вали как источник по социально-экономической истории Восточного Туркестана XVI—XVII вв. // Казахстан, Средняя и Центральная Азия в XVI—XVIII вв.". Алма-Ата, 1983.С. 34–88.
13. Семенов А.А. Первые шейбаниды и борьба за Мавераннахр//Труды академии наук Таджикской ССР. Т. XII. 1954. С. 109–150.
14. Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. История / Подг. к изд. Д.Юсупова, Р.Жалилова. Ташкент, 1998.

15. Таварих-и гузиде, нусрат-наме. / Исследование, критический текст, аннотирован ноеоглавление и таблиц а сводных оглавлений А.М. Акрамова. Ташкент, 1967.
16. Тарихи Абулхайрхоний. РФ ФАШҚИ қўлёзмаси, инв. С 478.
17. Веселовский, Н. И. Иван Данилович Хохлов. (Русский посланник в Персию и Бухару в XVII веке) / Н.И. Веселовский. Санкт–Петербург, 1891.
18. Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномайи шоҳий (Абдулланома). ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 2207.
19. Ҳасанов.Ҳ. Сайёҳ олимлар. Тошкент, 1981.
20. Alekseev A.K. Mahmud b. Wali and his «Bahr al-asrar» // Manuscripta Orientalia. 2005. Vol. 11. No. 2. P. 3–10.
21. Bilal Çelik M. Şibanîler ve Astrahanîler Devri Yerli Vakayinameleri / History Studies: International Journal of History, sy. 4/2, Temmuz 2012. S. 95–119.
22. Mahmud b. Amir Wali Balkhi. Bahr Al-Asrar Fi Marifat Il-Akhyar of Mahmud B. Amir Wali Balkhi. Vol. I. 1996.
23. Mahmud b. Amir Wali Balkhi. Bahr Al-Asrar Fi Marifat Il-Akhyar of Mahmud B. Amir Wali Balkhi. Edited by Rizaul Islam. Idara-e adabiyat-e urdu. Haydarabad. 1980.
24. Malikov A. “92 Uzbek Tribes” in Official Discourses and the Oral Traditions from the sixteenth to nineteenth centuries / Zolotoordynskoe obozrenie=Golden Horde Review. 2020. Vol. 8, no. 3. Pp. 515–532. DOI: 10.22378/2313–6197. 2020–8–3. 515–532.
25. Tulibayeva Zh.M. “Bahr al-asrar fi manakib al-ahjar” kak istoricheskij istochnik / Vestnik KazNU. Seriya Vostokovedeniya. Almaty, 2003. № 4 (25). S. 80–89. (in Russ.).

А. Идиев

“Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар

Ҳозирги вақтда Аштархонийлар ҳукмдорлиги (1601–1756) даврига оид маълум тадқиқотлар яратилган бўлса-да, бироқ этник тарих билан боғлиқ изланишлар жуда кам ва бу мавзуни кенгроқ

ёритиш масаласи бирламчи манбаларни жалб этиш билан боғлиқ. Маҳмуд ибн Амир Валининг “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ал-ахёр” (“Яхшилар таржимаи ҳоли ҳақида сирлар денгизи”; 1640 йилга қадар бўлган воқеаларни ўз ичига олади) асари Аштархонийлар даврининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги мақолада мазкур асардаги Мовароуннаҳр этник тарихи билан боғлиқ маълумотлар таснифи амалга оширилиб, таҳлил қилинди.

Мазкур мақолада Маҳмуд Ибн Валининг “Баҳр ал-асрор” асари орқали Мовароуннаҳр аҳолисининг шу даврдаги этник тарихи, уруғ қабила номлари, маҳаллий қабилаларнинг яшаш турмуш тарзи, худудий географияси, аҳоли миграцияси ва хўжалиги тўғрисидаги маълумотлар мазкур даврга оид бўлган қўшимча манба ва адабиётлар асосида таҳлил қилинади. Қиёсий тизимли таҳлил асосида Ўзбекистон ҳудудида XVII асрнинг биринчи ярмида 50 дан ортиқ қабила номи келтирилгани, аштархоний сулолаларнинг қўшни давлатлар билан ўзаро урушлари маҳаллий аҳоли миграциясига сабаб бўлгани аниқланди. Манбанинг муҳим жиҳати муаллиф айнан шу давр тўғрисида маълумотларни келтириши ўрганилди. Мазкур давр тарихини ёритишга хизмат қилувчи кейинги тадқиқотлар учун зарур тавсия ва хулосалар берилди.

Калит сўз: *Маҳмуд ибн Вали, Бухоро хонлиги, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, этнос, этногенез, “Баҳр ал-асрор”.*

А. Идиев

Размышления по этническим сведениям в произведении “Бахр ал-асрар”

Несмотря на наличие ряда исследований по периоду Аштарханидов (1601–1756), но по этнической истории их очень мало, и проблема более широкого освещения этой темы связана с привлечением первоисточников. Сочинение «Бахр ал-асрар фи манакиб ал-ахйар» («Море тайн относительно доблестей благородных») Махмуда бин Вали, охватывающее исторические события до 1640 года, является одним из важных источников периода Аштарханидов. В настоящей статье осуществлена

классификация сведений, относящихся к этнической истории Мавераннахра и дан научный анализ материала.

В своем сочинении Бахрул Асрор Махмуда бин Вали анализирует этническую историю жителей Мавераннахра в то время, названия племен, образ жизни местных племен, региональную географию, миграцию населения и экономику на основе дополнительных источников и литературы этого периода. В статье на основе сравнительного систематического анализа было установлено, что на территории Узбекистана в первой половине XVII века было более 50 племен и войны между династиями Аштарханов и соседними странами привели к миграции местного населения. Важным аспектом источника является то, что автор цитирует информацию именно об этом периоде. Были даны необходимые рекомендации и выводы для дальнейших исследований, проливающих свет на историю этого периода.

Ключевые слова: *Махмуд б. Вали, Бухарское ханство, Мавераннахр, Дашт-и Кипчак, этнос, этногенез, «Бахр ал-асрар».*

A. Idiyev

The considerations related ethnic information in the “Bahr al-asrār” work

Although some research has been done on the Ashtarkhanid period (1601–1756), there is very little research on ethnic history, and the issue of broader coverage of this topic is related to the involvement of primary sources. Mahmud ibn Amir Wali's “Bahr al-asrar fī manaqib al-akhyar” (The Sea of Mysteries on the biography of Good People, covering the period up to 1640) is one of the most important sources of the Ashtarkhanid period. In the present article, a classification of data related to the ethnic history of Movarounnahr in this work has been made and their scientific significance has been analyzed.

In this article, “Bahr al-asrar” Mahmud ibn Wali analyzes the ethnic history of the inhabitants of Movarounnahr at that time, the names of the tribes, the way of life of the local tribes, regional geography, population migration and the economy based on additional sources. and the literature

of this period. On the basis of a comparative systematic analysis, it was established that more than 50 tribes were named on the territory of Uzbekistan in the first half of the 17th century, the wars between the Ashtarkhan dynasties and neighboring countries led to the migration of the local population. An important aspect of the source is that the author quotes information about this particular period. The necessary recommendations and conclusions were given for further research, shedding light on the history of this period.

Key words: *Mahmud ibn Wali, Bukhara Khanate, Mavawarannahr, Dasht-i Kipchak, ethnos, ethnogenesis, "Bahr al-asrar".*